

Нима учун улар ҳақида хавориж дейишган

Хавориж сифатларидан “Давла” жамоатида топилган 30 сифат

Шейх Абдуллох аль Мухайсини
(Хафизахуллох)

Бу маъруза 1437 йил, 6 мухаррам, Джумъа куни Идлиб шахрида булди

KATAIB RAD3 ALKHAWARIJ

Нима учун улар хақида хавориж дейишган

Хавориж сифатларидан
“Давла” жамоатида топилган 30 сифат

Шейх Абдуллох аль Мухайсини (Хафизахуллох)

Бу маъруза 1437 йил, 6 мухаррам, Джумъа куни Идлиб шахрида булди

KATAIB RAD3 ALKHAWARIJ

Ғоят Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ исми билан

Оламлар Роббисига ҳамду-санолар бўлсин ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у кишининг оиласи ва барча саҳобаларига салоту саломлар бўлсин ...

Азиз биродарлар аввало Аллоҳдан барчангизга омонлик сўрайман ...
Аллоҳнинг гўзал исмлари ва олий сифатлари билан сўрайманки: манабу йиғилишимизда бизларни жамълагани каби неъматлар ичра жаннатида жамъласин. Биродарлар барчангиз дуо қилингиз: омин ...

Эй Аллоҳ бизларни неъматлар ичра жаннатда тўплагин ... Эй Аллоҳ бизларни пайғамбарлар, сиддиқлар ва шуҳадолар билан жамълагин. Эй Аллоҳ! Эй оламалар Роббиси, қийинчиликдаги риботларимиз ажридан маҳрум қилмагин. Эй Аллоҳ, бизларни Ўз йўлингдаги жиҳодга ёрдамчи қилгин. Я Зал Жалали вал Икром!
Қадрли биродарлар: ушбу йиғилишимизда айтадиган сўзим, бугунги вақтда жуда муҳим бўлиб, Шомда жиҳод йўналишидаги энг хатарли мавзулардан. Балки ислом уммати жиҳод йўлида бошидан кечираётган энг хатарли мавзудир. Менинг гапим шуки: "Исломий Давлат" деб номланган жамоат ҳақида. Манабу бир улкан тортишув ҳақида ..., ушбу эълон қилинган хилофат ҳақида ...! Одамлар бир-бирларидан кўп сўрайдигани: нега "Исломий Давлат" билан ихтилоф қиламиз? Биз ўзимиз: "Ла илаҳа илла Аллоҳ"ни ва "Хилофат"ни хоҳлаймиз-ку?! Хилофатни эълон қилмадиларми?! Нега энди Хилофат билан ихтилоф қиламиз?! Шундай қилиб одамлар бир-бирлари билан тортишиб: нега улар билан бирга бўлиб, Аллоҳнинг душманларига қарши урушаймиз, дейдилар. Яна бир-бирлари билан: нега уларни Хаворижлар, деб айтамиз, Хавориж сўзи исломда жуда катта айб-ку?! дейдилар ...

Биродарлар шоядки мен буларга бугун жавоб қилсамда, бизнинг бу садоларимиз ер куррасининг мағрибига ва машриқига ҳам бонг отса.
Азиз биродарлар: Аллоҳнинг динидаги берилган васф-ҳукм билан мусулмонлардан ҳеч кимса ўзга кишини хусумат ёки тортишув натижасида васфлаб айблаши мумкин эмас. Шарият берадиган васфлар, мисол: фалончи кофир, муртад ёки уларга

ўхшаган ёки хавориж деб васф-ҳукм беришлик. Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг динида жуда катта айблов бўлади. Мусулмон киши бу ишда шошмаслиги даркор ва бу каби ишларни Аллоҳ вакил қилган олимларга топшириши лозим. Йўқса ким бу ишда (илмсизлик билан) шошиб (ҳукмларга аралашса) Аллоҳнинг ҳузурида жавобгар бўлади. Шунга кўра Набий алайҳиссалом айтадилар: "Ким ўз биродарига: эй кофир, деса. Шубҳасиз у-сўз, Аллоҳнинг ҳузурига (бориб, сўнгра) иккисидан бирига қайтади". Демак бу масала жуда хатарлидир. Агар мен бир кишининг олдига бориб: эй фалончи, сен кофир бўлдинг, десам, бу иш иккита нарсадан ташқарига чиқмайди:

- Биринчиси: Ё Аллоҳнинг ҳузурида кофир бўлади.
- Иккинчиси: Ёки бу ўзимга қайтади. Аллоҳдан бундай бўлишидан саломатлик ва офият сўраймиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: "Мусулмон мусулмонга: эй кофир демайди, агар (айтилган) биродари ундай бўлмаса ўзига қайтади".

Келинглар биродарлар бугунги манабу муборак йиғилишимизда Набий алайҳиссалом айтган ушбу вақфага тўхтайлик-да, (Хаворижлар ҳақидаги) гапларига бир назар солайлик, ушбу жамоатга бу сўзлар тушадими: яъни "Давла" жамоатига?! Агар уларга тушса: уларни Хавориж, деймиз ва агар тушмаса: бундай дейишдан Аллоҳ сақласин. Фақат Аллоҳ айтган ва Расулуллоҳ алайҳиссалом айтганини айтамиз бас.

Хавориж истилоҳи-термини ва бу сўз янги бир сўз эмас. Бу сўзни энг аввал ким айтган?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жобир розиаллоҳу анҳудан келган ҳадисда айтадилар: "Хаворижлар ўт-дўзаҳ итлари" буни уч маротаба такрорлади: "Хаворижлар ўт-дўзаҳ итлари, Хаворижлар ўт-дўзаҳ итлари", сўнгра: "улар махлуқотларнинг энг ёмони" дедилар. Бошқа бир ривоятда: "Ана уларга ўт-дўзаҳ бўлади" дедилар.

Келинглар, Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хаворижлар ҳақида айтган лар нима эканини кўриб чиқамиз?

Даставвал: қадрли биродарлар сизларга ушбу енгил баҳсда Хаворижлар сифатларидан қарийб ўттизта сифатни тўпладим. Хозир уларни кўриб чиқамиз, "Давла" жамоати бунга тушадими ёки йўқ? Бундан аввал бир нарса айтиб ўтаман: ислом олимлари

"фирқалар, миллатлар ва қавмлар" китобларида қарор қилганларки: ҳар бир жамот икки ҳил сифатга эга бўлади.

Биродарлар дарсни мен билан яхшилаб кузатишингизни хоҳлайман ...

Демак ҳар бир жамоат икки ҳил сифатга эга: аслий сифатлар ва далолат қилувчи сифатлар. Мисол: Фалончи жосус десак, бу ундаги аслий сифат бўлиб, уни (Асад) низомида ишлаётгани тушинилади. Лекин бу ерда яна унга далолат қилувчи сифат бор: Фалончи жосус, унинг ранги оқ, сочи сариқ ва шакли бунақа ... аччиғи тез ва ундай, бундай ва ҳаказо ... шунақа сифатлар. Бу сифатлар уни жосусга чиқарувчи бўлган аслий сифатлар эмас. Аслий сифат қайси? У: низом билан бирга иш олиб борувчи эканлигидир.
Шу каби Хаворижлар сифатига қарасак, уларда ҳам амалларидан иккита аслий сифатлар бор: Хорижий-чиқувчи. Кимда бу сифат бўлмаса, у ундай эмас. Бу ерда олимлар зикр қилган сифат бор. Тушунмаган кишилар ҳам ушбу далолат қилувчи сифатлар жараёнида билиб олади. Унга мисол: Рофизалар (Шия тоифаси). Набий алайҳиссалом саҳобаларини сўкувчи ҳар бир кимса - Рофизийдир. Лекин бу ерда яна бошқа сифат бор, эҳтимол далолат қилувчи ёки ўхшагувчи эътиборли сифат. Мисол: Рофизаларда: "Мўъта" деган сўз бор (Мўъта: вақтинча никоҳ дегани). Лекин бир Рофизий келиб: мен мўътани тан олмайман, деса. Унга: сен мўътани тан олмаганинг учун, Рофизий эмассан, деймизми?! Йўқ. Айтамизки: сен саҳобаларни сўкканинг учун Рофизийсан, деймиз. Аллоҳдан сўраймизки: онамиз Оиша розиаллоҳу анҳони лаънат қилган ҳар бир кимсани Аллоҳ лаънат қилсин. Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий розиаллоҳу анҳумларни сўккан ҳар бир кимсага лаънат бўлсин.

Демак қадрли биродарлар ...

Биринчи сифат: Хаворижлар сифатидан: улар аҳли исломни муртад деб қатл қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам муттафақун алайҳи бўлган ҳадисда: "Хаворижлар аҳли исломни қатл қиладилар" деганини кўрасиз. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: Аммо Хаворижлар, диндан чиқдилар ва умматга қиличларини қарши кўтарди ва уларнинг қонлари ва

молларини ҳалол қилдилар. Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: Хаворижлар аҳли қибланинг қонини, уларни муртад деб эътиқод қилган ҳолларида ҳалол қилади. Манабу сифат "Давла" жамоатида борми?!
Улар бугун каминани муртад деб биладилар. Ҳаттоки биз намоз ўқисак ва рўза тутсак ҳам. Яна сизларнинг Жабҳату Нусродаги биродарларингизни муртад, деб эътиборга оладилар, ҳаттоки улар Аллоҳ йўлида жиҳод қилсалар ҳам. Шунингдек Аҳрору Шомдаги биродарларингизни муртад деб кўрадилар, Жайшул Фатҳни ҳам муртад дейди, Идлибни ислом диёри эмас, аслида куфр диёри, деб кўрадилар. Ҳудди шу каби Ҳалабни ҳам. Бу уларнинг сўзлари ва бу ажабланарлик эмас. Балки буни уларнинг барчасидан эшитасиз. Ушбу биринчи сифат аҳли исломни такфир қилишлари.
Биз ҳам энди уларни: такфир қиламизми?! Йўқ, уларни такфир қилмаймиз. Нега? Чунки бу масала фалончи билан бўлган ихтилофим эмас-ки, менга келиб: сен кофирсан, деса, кейин унга: сен ўзинг кофирсан, дейдиган ...! Бу ерда исломни бузишда бирон амал йўқ. Бу масала биз ва улар ўртасидаги хусумат эмас. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига қасамки, ўзим ўрталаримизни ислоҳ қилиш учун олти ой елиб, югириб-чопдим. Улар ва одамлар ўртасини. Кечагина (улар) каминани: шайх-олимлар қаторида кўрган. Энди улар (ноҳақ) қон оққизганларидан кейин, буни инкор қилсак, бугунга келиб улар: сизлар муртадсизлар, демоқда. Бу эса, биринчи сифат: яъни мусулмонларни қатл қилишлик.

Иккинчи сифат: мусулмонларни такфир қилади, мужоҳид мусулмонларни такфир қиладими?
Биродарлар мен сизлардан сўраябман: такфир қиладими ёки йўқ? Биродарлар биз йиғилишдамиз, муноқаша қилинлар: яъни бемалолчилик. Қўлингизни кўтаринг: яхши биродар ...!
Мужоҳидларни бугун такфир қиладими? Ҳа, уларни муртад деб васфлайдилар. Ҳаттоки яқиндагина сояси остида турганларни ҳам такфир қилади. Қачонлардир шайх жиҳод имоми Айман Завоҳирий сояси остида эдилар. Бугун у кишини пасткаш, эшак деб айтадилар. Ҳудди шу сўзлар билан уларнинг олимлари ҳам айтади. Яна улар Руссяни бурнини ерга ишқалаб қўйган Афғонистон мужоҳидларини ҳам шу каби васфлар билан

васфлайдилар. Ким Руссларни биринчи хор қилди? Афғонистон эмасми?! Уларни ин ша Аллоҳ Шомда ҳам хор қиламиз. Руссларни энг аввал бурнини ерга ишқаб қўйганлар Афғонистондаги Толибон биродарларимиз. Бугун эса улар ўзларича: "Тибён фи баёни риддати Толибан" деган китоб чиқаришмоқда. Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраб қоламиз.

Учинчи сифат: бу уларнинг асосий сифатларидан эмас. Демак асосий икки сифат:
1. Мусулмонларни, мужоҳидларни такфир қилишлари.
2. Мусулмонларни ноҳақ ўлдиришлари.

Такфирнинг барчасини йўқ демайман. Йўқ балки: Такфир Аллоҳнинг динидан ва Исломнинг асл асосларидандир. Лекин кимни такфир қилинади? Исломни бузувчи амаллардан бирига тушган кишини шаръий ҳужжат, баёнат билан такфир қилинади. Аллоҳнинг изни билан сизларга уларнинг учинчи сифатини ўқиб берай тезроқ ҳатто вақтни олмаслик учун, чунки бу тўпланишимиз умумий тўпланиш:
Хаворижлар тарихда ўткан (бугун қарангки биз 1400 йилдан кейин уларга қарши турибмиз) уларда она сути оғзидан кетмаган, суфаҳо аҳломлар бор. Мужоҳиднинг кичиги бўлиш мушкила эмас. Лекин жиҳоднинг бошида ёки бирон муайян жамоатнинг бошқарувчиси калта ақли билан фақат такфирни ўйлайдиган манқаваччани бошлиқ бўлиши мушкиладир. Ҳатто улардан бири менга айтади-ки: сизлар билан уришиш, низом билан уришишдан авлороқ-афзалроқ, дейди. Мен унга: нима сабаб? дедим. У эса: сизлар муртадсизлар ва улар эса аслий кофирдир, деди. Бу телбалик эмасми?! Албатта телбаликдир. Аллоҳга қасам энг катта телбалик бу ...
Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраймиз.
Улар Жабҳату Нусро ва Жайшул Фатҳнинг барчалари муртаддир, деб билдилар. (давладан бошқа) барча мужоҳидларни муртад деб билдилар. (Ўзи аслида) улар билан жанг қилиш ҳам бир аҳмоқликдан. Аввал (Асад) низоми-режими билан жанг қилиб, кейин уларга боқ! Мустазофийнлардан (зайф Шом халқидан, Асад отаётган) бомбаларини тўхтатиб қўйгин аввал ... Сўнгра кимни хоҳласанг такфир қил, кимни нима қилсанг қил ...!!! Яна бир аҳмоқликларидан, низомга қарши тинмай кураш олиб бораётган мужоҳидлар билан жанг

қилишларидир. Жасру Суғурга мужоҳидлар етиб борганларида ..., ҳаммангиз эслайсиз-а?! Улар: ёқилғи-салярка етказиб беришни тўхтатиб қўйишди-да, Мариҳ томондан бизга ташланишди.
Мана охирги кунлардаги ишларини қаранг энди: Русс бостириб кирганида, уларни тўхтатиш керак эди, яъни Русс ва Эронн киргани боис. Энди қарабсиз-ки: Русс кириши билан улар Мушаҳ мадрасаси ва унинг атрофини ҳам эгаллаб олдилар. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Бу аҳмоқликнинг энг каттаси эмасми?! Аллоҳга қасамки, албаатта аҳмоқликнинг энг каттаси.

Тўртинчи сифат: Зоҳири салоҳиятлиги. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Шунга ҳам Хаворижлар ҳақидаги келган ҳадислар ҳақида фикр юритиш зарурдир. Нега Бухорий ва Муслим ривоят қилган ўнлаб ҳадисларда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни зикр қилди?! Чунки бу масала (ҳақ ва ботилни) тамийз-ажратиб олишга эҳтиёжлидир. Инсонларнинг кўпчилиги: кишида сақол бор, жиҳод қилябди ёки уришябди, қандай қилиб мен уларни ажратаман?! дейди. Шунга ҳам бу ишлар олимларга қайтарилиши вожиб. Имом Ажуррий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Ҳеч бир киши "хорижийни" Қуръонни тиришиб ўқиётганини, намозларда узун қоим бўлганини, рўзаларни кўп тутишларини ва чиройли сўзлашларини кўрганида, агар унинг йўли Хаворижлик бўлса алданиб қолмаслиги керак. Яъни: агар мусулмонларни такфир қилаётганини, уларни қатл қилаётганини кўрсангиз (чунки бу икки сифат Хаворижларнинг аслий сифатларидан). Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраймиз.
- Шунда ҳам хозирга келиб, баъзи инсонлар: уларни қандай Хавориж деймиз? дейди. Улар ичида муҳожирлар, солиҳлар ва ундайлар, бундайлар борк-у ... дейди.
- Нима бор яъни?
Ким мусулмонларни ноҳақ ўлдирса, ноҳақ такфир қилса уларнинг солиҳлиги фойда бермас. Чунончи Хаворижлар саҳобаларни ўлдирди. Хаббоб ва Алий розиаллоҳу анҳумларни ўлдирдилар. Рошид халифаларнинг тўртинчиси эди-ми?! Хаворижлар ўлдирди. Алий розиаллоҳу анҳуни ўлдиргани учун Ибн Мулжам ҳам ўлдирилади, шунда у ўлимидан олдин йиғлайди. Унга нима сени йиғлатди дейлади, у айтади: тинмай Аллоҳни зикр қиладиган тилим зикрдан тўхтаб қолишидан йиғлаябман, дейди.

Лекин "яхши сўзинг" мусулмонларни ноҳақ қатл қилиб, такфир қилиб турсанг фойда қилмас. Тасаввур қилинг мусулмонларнинг амирини ўлдирди-я!!
Шунга ҳам Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: оятни эшитинг: **"**(Эй Муҳаммад алайҳиссалоам) **айтинг: амалда роса зарар кўрганларнинг хабарини берайликми?** (яъни энг катта зарар кўрувчи). **Дунё ҳаётида уларнинг ҳаракати адашган ва улар қилиқларини албатта ўзлари яхши қилябмиз деб ҳисоблайдилар".** (Каҳф: 103). Улар ўзларини мужоҳид деб ўйлайди. У ўзини хилофатнинг саййидиман деб ўйлайди. Қилаётган ишини яхши деб ҳисоблайди. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: Албатта бу оят Хаворижлар ҳақида, деб ҳисоблайман.
Ўзини ҳақ устидаман деб ўйлайди. Аллоҳ ва ўзи ўртасида содиқлик қилябман дейди. Лекин афсуслар бўлсин: мусулмонларни ўлдиради ва уларнинг қонларини оққизади. Қаранглар: зоҳири салоҳиятликка ўхшайдими ёки йўқми? Ҳа бор, зоҳири солаҳиёт топганга ўхшайди. Демак биродарлар кейинги сифатга ўтамиз.

Бешинчи сифат: Хаворижлар Қуръонни хато тушиниш билан тушинади. Кофирлар ҳақида нозил бўлган оятни мусулмонларга туширади. Мисол келтирман: Бугун Бағдодийнинг гуриҳи: Аллоҳ таолонинг: **"Кофирлардан сизларга яқинда бўлганларга уриш қилинглар .."** (Тавба: 123) оятини қироат қиладилар ва бу билан (Шомдаги) мусулмонларга қарата ишора қилади. Демак бу оят кофирларга нозил қилинган, улар эса мусулмонларга туширади!

Айтадики: фалончи сен кофир бўлдинг, негаки сен фалончи кофир билан дўстлашдинг ...
Бу билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган мужоҳидларни қасд қилади. Улар ўзларича кофирларга нозил бўлган оятга қараб, уни олиб мусулмонларга нозил қилади.
Қаранг биродар Ибн Умар розиаллоҳу анҳу нима дейди: Хаворижлар Аллоҳ ҳузурида энг ёмон махлуқлардир. Кофирлар ҳақида нозил бўлган оятларни олиб, мусулмонларга туширади.
Манабу нарса "Давла" жамоатида борми ёки йўқми? Бор албатта. Ибн Умар розиаллоҳу анҳу айтади: Хаворижлар Аллоҳ таолонинг энг ёмон махлуқотлари. Мусулмонларга ташланиб

уларни такфир қилади, уларни қатл қилади, ҳаттоки уларнинг хотинларига эрларини кофир деб даъво қилиб уйланиб олади.

- Бу ҳолат борми ёки йўқми? Бор албатта. Аллоҳга қасам бор. Кўп қон йиғлаган мужоҳидларни биламан, айтишадики: хотиним уларга ўтиб кетди, уларда Хилофат бор, деб ўйлаб кетиб қолди. Улар у аёлга: эрингиз муртад бўлган, деб, кейин уйланиб олди. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Ҳудди-ки Ибн Умар: бу гаплар сизлардан аввал ўткан! демоқда. Бундан 1400 йил аввал ўткан, энди яна такрорланмоқда. Бу уларнинг бешинчи сифати эди.

Олтинчи сифат: Уламолар айтади: Хаворижлар мусулмонларга биринчи бўлиб уриш очадилар. Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ Хаворижлар ҳақида айтади: Саҳобалар ва улардан кейинги олимлар: Хаворижлар мусулмонларга боғий-ташланиб зулм қилгувчи бўлганлари учун, уларга қарши уриш қилишга иттифоқ қилдилар, ёки улар билан мувофиқ бўлганлар билан ҳам. Улар мусулмонларга уриш қилишни биринчи бошлайди. Уларнинг ёмонлигини фақат уриш билан дафъ қилинади. (Минҳожус Сунна).

Аднонийнинг хутбасини эшитинг энди. Бир неча кун олдин: жамоатларни ажратиб бўлиб ташлаймиз, сафларини тарқатамиз, низомларини бузамиз, у қиламиз, бу қиламиз ..., деди.

Айтамизки: майли, биз сиз "Давла"га қарши зулм қилдик ҳам, дейилик. Ямандаги биродарларимиз гуноҳи нима эди?! Улар Аллоҳ йўлида жиҳод қилардилар, сизлар у ерга бориб уларнинг бўғизига пичоқ торттинглар. Яманда мужоҳидларнинг сафини чачиб ташладилар. Сумалида ҳам сўйдилар ва уларни ҳам сафларини тарқоқ-тарқоқ қилдилар. Ливия ва бошқа ерларда ҳам мужоҳидларни сўйдилар.
Бу ҳам уларнинг разил сифатларидан. Бундан кеийн уламолар нима демоқда бир қаранглар: Хаворижлар ўзлари билан келишиб мувофиқ бўлмаган ҳар бир мусулмонни ўлдиришда мужтаҳид бўлиб кетган. Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: Хаворижлар бошқалардан кўра мусулмонларга энг кўп ёмонлик (келтиради). Улардан кўра ёмонлик қилган биронтаси бўлмаган, на Яҳудлар ва на Насоролар. Хаворижлар ўзлари билан мувофиқ бўлмаган ҳар бир мусулмонни қатл қилишда ижтиҳод

қиладилар.
Агар мужоҳидлардан бирон киши Хаворижлар ва мужоҳидлар ўртасидаги жангларда қатл қилинганида эди: балки жангда ўлди, дейиларди. Лекин кўрмайсизми: уларнинг портлатгичлари Салкинда, Сармадда ва унда, бунда ва Ҳалабда ва бошқа ерларда портламоқда. Бу мусулмонларни ўлдиришда ижтиҳод қилиш эмасми?! Демак азиз биродарлар: улар мусулмонларни ўлдиришга қаттиқ тиришиб ҳаракат қиладилар. Сиз билан тўқнашиб уришмайди. Сўрангиз ўша уларнинг портлатишларида шаҳид бўлган мусулмонлардан, мужоҳидлардан ..., уларнинг қўлида қатл қилинган Абу Холид Сурийдан ва бошқа уламолардан сўрангиз (Аллоҳ уларни қабул қилсин).

Еттинчи сифат: Хаворижлар даллилардан муташобиҳига эргашиб, муҳкамларидан юз ўгирадилар. Биродарлар Аллоҳнинг дини ..., яъни: Қуръон ва суннат икки турли бўлади: муҳкам ва муташобиҳ. Муҳкам: тушинарли очиқ-ойдин бўлган сўзлар. Аллоҳ таоло: **"Ва ким бир муминни атайин ўлдирса, бас, унинг жазоси жаҳаннамдир, унда** (жазо олиб) **қолади ва унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати** (бўлур) **ва унга катта азоб тайёрлади".** (Нисо: 93). Ушбу оят мусулмонни қатл қилиш ҳаром эканлиги борасида бағоят сариҳдир. Албатта ким-ки бирон мўминни ноҳақ ўлдирса, унга албатта жаҳаннам ўти бор. Мусулмонни ўлдириш ҳаромлиги борасидаги очиқ, тушинарли бўлган оятни ташлаб, муташобиҳ (яъни: эҳтимолга ва таъвилга бориш мумкин бўлган далиллар) ҳадисларни оладилар. Айтадики: биз сизларга Добиқ ҳадисини келтирамиз, дейди. Улар Набий алайҳиссаломнинг Добиқ ҳадисини келтириб, бу биз ҳақимизда, дейдилар. Бу ҳадислар муташобиҳ ҳадислардан. Нега? Чунки Добиқ бугун Фалончи кишининг қўлида бўлса эртага яна бошқа Фалончининг қўлига ўтиб кетади. Бундан икки йил олдин Добиқ Нусайрия Сурия низоми қўлида эди. Шунақа ..., демак: Добиқ ҳадиси билан, ҳақни унинг устига қуришлик ақлга тўғри келадими?!

Ким Добиқ ҳадисини олса у ҳақ устида, ким олмаса у ботилдами?! Йўқ, бу муташобиҳ ҳадис. Ҳақни, ким Аллоҳ деди ва Расули алайҳиссалом деди, деган бўлса шундан ўрганинглар. Энди бугун шарқий Ғувтога қаранг. Мисол: Набий алайҳиссалом айтадилар: "Мусулмонларнинг қароргоҳи қон оққан кунда

Ғувтодадир". Ким Ғувтони олса у ҳақ устида дейишлик ақлга тўғри келадими?! Олмаганлар ботилдами?! Манабу ҳадислар: муташобиҳ, деб номланади. Ҳудди шу каби улар бугунги кунда муташобиҳ ҳадисларга суянадилар. Муҳкамларини тарк қилади. Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: Шунингдек рисолатга иқрор бўлган аҳли бидъатлардан: уларга баъзилари иштибоҳли бўлдида, улар муташобиҳларига эргашиб, муҳкамларини тарк қилидилар, ҳудди Хаворижлар каби.

Азизлар келинглар кейинги сифатга ўтамиз энди:

Саккизинчи сифат: Хаворижлар - уламолар, илм ва фазл аҳлини тан олмайди, писанд қилмайди. Бу қачонлардан бери бўлган?! Бу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларидан бери, бугунгача бор. Энг биринчи хорижий Зул Хувайсоро, кимга таъна қилган? Расулуллоҳ алайҳиссаломга. Инсонларнинг энг олими, илм ва тақво имомига! У киши Аллоҳнинг элчиси солаллоҳу алайҳи ва саллам. Хорижий Расулуллоҳ алайҳиссаломга айтади: Аллоҳдан қўрқ. Ҳатто: ё Расулуллоҳ Аллоҳдан қўрқинг, демади. Балки: Эй Муҳаммад, адолат қил, деди. Унга жавобан Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: вой бўлсин сенга. Мен адолат қилмасам, ким адолат қилгувчи?! Умар розиаллоҳу анҳу: уни ўлдирайми ё Расулуллоҳ? деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: "Йўқ. Бунинг зурриётидан қавмлар чиқади (яъни: унинг ортидан кўплаб Хаворижлар чиқади). Уларнинг намозлари олдида ўз намозларингизни ва рўзалари олдида, сизлар ўз рўза тутишларингизни паст санайсизлар ..." дедилар, сўнгра ҳадисни зикр қилдилар. Хаворижлар демак, уларнинг сифатидан: аҳли илмни тан олмайди. Уларнинг олдига Ибн Аббос розиаллоҳу анҳу мунозара қилиш учун келган. Тасаввур қилябсизми?! Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бир саҳобаси. Хаворижлар саҳоба эмаслар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларини улуғлаганлар: "Саҳобаларимни сўкмангизлар. Сизлардан биронтангиз Уҳудча тилло инфоқ қилса ҳам, уларнинг бир муд ва на унинг яримига ҳам эриша олмайди". Ибн Аббос розиаллоҳу анҳу Хаворижлар олдига бориб, уларга: сизларнинг олдингизга инсонларнинг энг яхшиларининг олдидан келдим (яъни саҳобалар олдидан). Ва улардан сизлар ичингизда бирортаси йўқ. (Яъни бирорта саҳоба сизлар ичингизда эмас)

дедилар. Улар бўлса: Ибн Аббос Қуръон ўқиб уни тушунмас экан, дейишди. Аллоҳу Акбар!!! Ибн Аббос розиаллоҳу анҳу Қуръон ўқиб, уни тушунмасмиш?! Ибн Аббос розиаллоҳу анҳу Қуръон таржимони. Одамлар ичида Қуръонни энг билгувчиси. Ибн Аббосни сўкишиб: уни Қуръон тушунмайди, дейдилар-а! Буни эшитинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима дейдилар: "Сўнгра қавмлар келади, Қуръон қироат қиладилар. Сўнгра дарҳақиқат биз: Қуръон қироат қилдик, энди ким биздан яхши қироат қилгувчироқ? Ва ким биздан билгувчироқ? дейдилар".

Демак: Хаворижларнинг сифатларидан: ўзларини уламолардан беҳожат кўрадилар. Солиҳ ва ислоҳ қилувчилардан ўзларини беҳожат биладилар.

Аднонийнинг охирги гапини эшитинг: (айтганини аниқ қайтариб айтаман): Аммо биз дарҳақиқат, ушбу рамз ва санамларни туширдик (яъни олмларни назарда тутиб айтмоқда). Сўнгра айтдики: Улар (яъни олимлар) эшаклардир. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Ҳудди аввалги Хаворижлар айтганини айтди. Набий алайҳиссалом нима дедилар?!: "Сўнгра дарҳақиқат биз: Қуръон қироат қилдик, энди ким биздан яхши қироат қилгувчироқ? Ва ким биздан билгувчироқ? дейдилар". Кейин Набий алайҳиссалом: "Уларга ўтга тушиш бор" дедилар. Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраймиз!

Хаворижлар олимларга қайтармайди. Ҳақ аҳли эса олмларга қайтаради.

- Аднодий охирги сўзида нима деябди? Айтдики: эй Давланинг ишига шубҳа қилганлар, Давлага қарши чиққан ва қўшилганлардан сўрангиз.
- Яъни одамларга айтябди.
- Аллоҳ таоло бизларга кимдан сўрашни буюрябди? Олимлардан сўрашимизни. Аллоҳ таоло айтади: **"Агар билмасангизлар, бас, зикр аҳлидан сўрангизлар".** (Наҳл: 43).
- Демак уларда тан олмаслик борми ёки йўқми? Бор. Имом Шотибий раҳимаҳуллоҳ ўзларининг "Иътисом" китобида айтади: Фасоднинг асли Хаворижларда. Улар, энг аввал салаф солиҳларни тан олмай, лаънат қилганлардир. Шунингдек шу кунимизгача ҳам. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Эй биродарлар, манабу сизларга мен айтаётган сўзим, хозирги олимларнинг сўзидан гапирмадим ...! Ибн Таймия, Шотибий, Ибн Ҳазм ва Ибн Умарлар

сўзларидан айтябман. Демак 1400 йилдан бери аъйни кўриниш ва аъйни қиссалар такрорланмоқда. Сўнгра бундан кейин ҳам, бир кишида шубҳаланиб келса, нимадан бўлади? Уламолар раҳимаҳумуллоҳга эргашмаганидан бўлади. Агар фитна келса, нима қилишни фақат олимлар билади. Фитна кетганида эса барча инсонлар билади.

Келинглар кейинги сифатга ўтамиз ...

Тўққизинчи сифат: Хаворижларда, уларни содиқ, етакловчи олимлари йўқ. Бирон тайинли суянадиган китобини ҳам, тополмайсиз. Шайхул Ислом ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: Хаворижлар фақат одамларнинг сўзларидан ўрганадилар, уларда на китоблар ва на олимлар йўқ. Алий розиаллоҳу анҳу Табарий нақл қилганидек айтадики: Хаворижлар Қуръон қорилари эмас, динда фақиҳлар ҳам эмас, таъвил-тафсирда олим ҳам эмас. Бу ишларга улардан ҳеч ким ўтмаган. (Тарих Табарий).

Бугун Хаворижларнинг катта, таниқли олмлари борми? Хайрон қоламан, Аллоҳга қасам ...!!! Уларда бирон таниқли олимни тополмайсиз. Янги илм ўрганган йигитларни топиб келади-да, ўшалар билан фахрланиб, улар билан чиқиш қиладилар. Олимлар қани??!! Умматнинг барча олимлари Хилофат учун уриш қилмоқдами? СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Шунга ҳам уларнинг энг билинган сифатларидан уларнинг олими йўқлигидир. Балки Хавориж бўлган олимлари (яъни Даладагилардан) тарқатган китобларини қарасангиз Абу Қатадо Фаластиний ҳафизаҳуллонинг китобларини тарқатганлар. Сўнгра кунлар ўтиб, у кишини ташлаб, у кишини сўкиб юрибдилар. Кейин яна Фалончиларнинг китобларини тарқатмоқдалар. Ўзларига мухолиф бўлган барчанинг (китоб ва сўзларини) ирғитадилар. Кейин: сен аҳли илм эмассан, дейди. Қачонки уларда бирон олим қолмаганидан кейин, Аднований чиқвобди?!!! Энди нима дермиш: Аллоҳга ҳамд бўлсин, Хилофатимизга кўчиб олдик (яъни қуриб олдик) ва рамз ва олимларни синдирдик. Ҳатто ўзларига бирон ҳарож туғдирмаслик учун (олимлардан қутилдилар). Унга айтиладики: энди қандай қилиб Аллоҳга олимларсиз етиб оласан? Ахир Аллоҳ таоло: **"Агар билмасангизлар, бас, зикр аҳлидан сўрангизлар"** (Наҳл: 43) деди.

Энди бу сифатни эшитинг, жуда ажойиб ...:

Ўнинчи сифат: Хаворижлар ўзларининг диёрларини Ислом диёри ва бошаларнинг диёри куфр диёри, деб номлайдилар. Унда шариятни татбиқ қилмайдилар. Бу Давла жамоатида мавжудми ёки йўқми? Мувжуд. Уларнинг китобларини ўқинг, Аднонийнинг номидан чиққан хутбаларни эшитинг, айтадики: ҳақ Ислом диёрида (яъни ўзини турган ерини айтмоқда), Аллоҳнинг шарияти фақат бу ерда татбиқ қилинмоқда. Ҳа, бу ерда биз нима қилябмиз экан (ўйнаябмизми-а)?!! Барча жойда жиҳод қилаётган мужоҳидлар нима қилябдилар? Ливия, Сумали, Яман ва бошқа ердаги мужоҳидлар нима қилябдилар унда? Бу ердаги намозхонлар ва Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилатганлар нима қилябдилар?! Амру маъруф ва наҳий мункар нима ўзи? СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Аллоҳга қасам, мусулмонларнинг йигитларига хайронман, қандай қилиб бунга ақли етмайди?!! Лекин Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: "Аммо ўша замонда кўпчилик одамлардан ақли кетиб қолади". Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ Хаворижларнинг дақиқ сифатларини васфлаётиб нима деганига бир қулоқ солинг: Бу нарсалар Хаворижларга бўлган. Улар: ўз имомлари, жамоати ва ўз диёри билан ажралган. Улр ўз диёрларини ҳижрат диёри ва бошқа диёрларни куфр, ҳарб диёри деб номладилар. (Мажмуъатул фатаво, 13 жилд). Бу нарсалар борми ёки йўқми? Ўзларининг имоми, диёри бор. Бошқаларники куфр диёри. Айтадиларки: биз билан дорул Исломга қўшилинг, дейди. СУБҲАН АЛЛОҲУЛ АЪЗИЙМ!!!

Кейинги сифатга ўтамиз ...:

Ўн биринчи сифат: ўзлари тайин қилган имомни кўтар-кўтар қилади, уни амирул мўминин деб атайдилар ва унга қарши чиққанларга уришни вожиб кўрадилар. Шаҳристоний ўзининг "Миллатлар ва қавмлар" китобида Хаворижлар ҳақида айтади: Хаворижларнинг бидъати имоматдан бошланади. Улар имомни ўзларидан бўлишига жоизлик беради, ўз рай-фикрлари билан кўтар-кўтар қилиб, одамларни унга чақиради. Энди имом (тайин) бўлганидан кейин, унга қарши чиққанлар билан уришадилар. Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ Хаворижлар ҳақида айтадилар: Одамлардан имомат, жамоат ва диёрлари билан ажралдилар.

Ўн иккинчи сифат: Энди улар аҳдларини қандай қилиб бузганини кўриб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади: **"Аллоҳнинг аҳдини, ўз ваъдасидан кейин бузадиганлар ва** (ана улар)**: Аллоҳ боғлашликни буюрган нарсани узадилар ва ерда фасод қиладилар, улар ўзлари зиёнкорлардир".** (Бақара: 27). Мусъаб ибн Саъд розиаллоҳу анҳу айтадилар: отамдан: бу оятдан мақсад қилинганлар кимлар? деб сўрадим. Айтдики: улар Ҳарурийлардир. Яъни: Хаворижлар.
Қаранглар уларга: қанча аҳд-ваъдаларни бузишди. Ажабланиб қоласиз. Тавҳид мадрасасига кирганларини қаранг (эслайсизлар), Тавҳид байроғига. Кириб келишиб: сизлар билан гаплашиб олишга келдик, дедилар. Қачонки (мужоҳид databases) тўпланганларида ўзларини портлатдилар. Бу хиёнат эмасми?!
- Энди Уврам кўпригидаги ҳодисага қаранг (эслайсизлар), бир ҳафта олдин у ерни зиёрат қилдим, ўша ердаги бир киши менга айтиб бермоқдаки: бир киши келиб: сизлар билан намоз ўқийман, деди.
- Албатта сиз уриш вақтида душманга қарши турсез, бировтаси келиб сизлар билан намоз ўқийман деса ... мумкин-ми? Мумкин-да, унга: марҳамат биз билан намоз ўқинг, дейсиз-ку!
- У киши айтябди: биз Аллоҳ яшатгур намоз ўқингда, дедик. У оддий яхши кўринишда эди, деди.
- Қаранг оддий овом халқни!! Одамнинг ташқи қиёфасидан яхши санаб баҳо берган.
- У киши: биз билан намоз ўқинг, дедик, деди. Сўнгра одамлар тўпланганида, белбоғини тортиб бизларни портлатди.
Мен: Аллоҳга қасам, кўп қисса эшитганман, лекин бунақасини ..., тасдиқлаш ҳам қийин. Аллоҳдан ўзга илоҳ бўлмаган Зотга қасам, мен ўзим бориб зиёрат қилдим, ўша кишининг оёғи ёки қадамидаги бармоқлари (портлашдан кейин) узилиб кетган, хозиргача юраолмайдиган ногирон бўлиб қолган.
Ўша иш хиёнат эмасми?! Бу ниҳоятда олий хиёнатдир. Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраб қоламиз.

Ўн учинчи сифат: Хаворижлар: биз шариятни татбиқ қилмоқдамиз, деган даъво билан, қолган мусулмонларга қарши чиқади. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! 1400 йил ўтса ҳам, ўша эски (пластинка)нинг ўзи айланиб келябди. Мусулмонларга қарши чиқиб айтади: сизлар Аллоҳнинг шариятини татбиқ

қилмаябсизлар.
Аллоҳга қасам ...! Биродарлар, ушбу варақларни ўқиб ва аҳли илмнинг китобларини ўқиб айтаман: СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Ибн Таймия биз билан бугун яшамоқдами?! Ибн Ҳазм ёки Али ибн Абу Толиб бугун бизнинг орамиздами-а?! Уларнинг дақиқ сифатларини зикр қилмоқда!

Ибн Жарир раҳимаҳуллоҳ ва розиаллоҳу анҳу айтади: Али розиаллоҳу анҳу хутба қилар экан, шунда Хаворижлардан бир киши туриб: Эй Али! Аллоҳнинг шарият билан ҳукм қилмасдан, кишиларни Аллоҳнинг динида шерик қилдингми? Ҳукм фақат Аллоҳникидир. Ҳар томондан: Ҳукм фақат Аллоҳники, Ҳукм фақат Аллоҳники, дея ҳайқиришди. Али розиаллоҳу анҳу: бу сўзингиз ҳақ, у билан ботилни хоҳладиларинг, деб қўйди.

Ўн тўртинчи сифат: уларда илмнинг зайифлиги ва жоҳиллик-билимсизликнинг тарқалиши. Бу тарихдан уларда (васф Бўлиб) келаётган сифатлардан бири. Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтади: Хаворижлар қачонки ўзларига қарши чиққанларни кофир деб, уларнинг қонларини мубоҳ кўриб, аҳли зиммани ташлаб қўйган. Улар: аҳли зимманинг аҳдига вафо қилиб мусулмонларга уриш қилиш билан машғул бўлдилар. Буларнинг барчаси, дилларига илм нури кирмаган жоҳил бандаларнинг асаридир.

Ўн бешинчи сифат: Хаворижларнинг сифатларидан бири: уларга қарши чиққан кишини "Муржиялар" қаторига қўшади. Айтадики: Фалончи муржия. Шунчаки хилоф чиққан олимни: бу муржиялардан, дейди. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Ҳатто бу ҳақида ҳам олимлар айтиб ўтканлар. Имом Аҳмад раҳимҳуллоҳ айтади: Аммо Хаворижлар, улар аҳли сунна вал жамоани муржия деб номлайдилар. Хаворижлар бу сўзида ёлғон айтишди.

Ўн олтинчи сифат: ўзлари билан ғурурланиб ва одамларни таажжубга солади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: "Сизларнинг ичингизда бир қавм ибодат қилади ва сабр қиладилар. Ҳатто одамлар улар билан ажабланадилар ва уларнинг ажабланиши уларнинг нафс-ўзларидан. Улар диндан ҳудди камон ўқи чиққани каби чиқиб кетадилар". (Аҳмад). Бу энди тушинтирилишидан кўра энг тушинарлиги бўлди.

Ўн еттинчи сифат: Хаворижларнинг сифатидан, улар уммат ичида мусулмонлар тарқоқлиги ва ўз хилофати билан зоҳир

бўлади. Али ва Муавия розиаллоҳу анҳумолар ўртасида ихтилоф бўлганида ҳам пайдо бўлганлар. Шунингдек бугун ҳам Шомда турли гуруҳлар ажраб чиққанда пайдо бўлдилар. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Одамлардан фирқалар устига чиқиб келадилар" деди (Бухорий). Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: яъни одамлар тарқоқ бўлиб ва фирқаланганида. Ва у тарқоқлик Али ва Муовия розиаллоҳу анҳумлар ўртасида эди.

Ўн саккизинчи: Хаворижлар сифатидан бўлган бидъатлари: (мусулмон) одамларни залолатдан тавбага чақиради ва инсонларни Аллоҳнинг динидан тез чиқариб ташлашлигидир. Ҳатто улар бугун ҳам: яъни Бағдодий хилофатини айтмоқчиман: тавба қилдирувчи (хос) идоралари бор. У ўша биз билган: якшанба ва чоршанба кунлари бўлиб ўтади. Ҳеч ким то ўша ерга бориб тавба қилмасдан уларга қўшилаолмайди. Бирон киши қўшилмоқчи бўлса албатта ўша ердан тавба қилдирилинади.
- Борган кишига айтадиларки: кел, сени куфрингдан тавба қилдирамиз.

Манашу нарса уларда борми ёки йўқми? Бор албатта. Бу шунингдек тарихда ҳам бўлган, Али розиаллоҳу анҳу билан ҳам шундай муомала қилишган.
Аммо баъд: эй Алий, сен Аллоҳ учун ғазаб қилмадинг, балки ўз нафсинг учунгина ғазаб қилдинг. Агар сен куфр келтирганинга гувоҳлик бериб, тавбага иқбол қилсанг, биз сен билан ўртамиз ҳақида бир назар қиламиз (ўйлаб кўрамиз). (Бидоя ва Ниҳоя).

Шайх Салоҳиддин уларнинг олдига Раққага бориб ва улар билан жангни тўхтатишни ёки келишишни ёки яна ўзи билган яхшиликларни хоҳлаб борганида, улар: ана ўшалар тавба қилмагунича, биз ҳеч нарса қилмаймиз, чунки улар муртадлардир, дедилар.

Ҳудди шунингдек, улар бугун ҳам, ҳатто тавба қилдирмагунларича ҳеч бир кишини қабул қилмайдилар. Шунақа эшик-идораларни ўзларида очган. Бу исм билан зоҳир бўлишмоқдалар ҳам.

Ўн тўққизинчи сифат: Хаворижларнинг сифатидан: тортишув-жадалга, рекламаларга ва одамларни адаштириш учун залолат хутбаларига суяниб олганларидир. Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ

айтади: Хаворижлар умуман олганда тортишувчидир. Уларнинг ҳужжатлари ўзларининг хутбалари, шеърлар ва ҳаказо ...

Йигирманчи сифат: Шунингдек уларнинг сифатларидан: инсонларни дини ва эътиқодида имтиҳон қилишларидир. Иброҳим ибнул Ҳусайн раҳимаҳиллоҳ айтади: (эътиқодларни) имтиҳон қилиш Хаворижларнинг динидир. (Заҳабий, "Сияр"). Маҳлаб бир кишини Хаворижлардан сўраш учун юборди, айтди: икки кишини кўрдингизми, муҳожир бўлиб сизларнинг олдингизга чиққандилар, йўлда ўлишди. Уларни имтиҳон қилгандингизлар, имтиҳон эса жоиз эмас.
Муҳими: имтиҳон уларниг динидандир.

Йигирма биринчи сифат: Шунингдек Хаворижларнинг тарихда ўткан сифатларидан: сўзлари гўзал, қилиқлари совуқ бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хаворижлар ҳақида айтадилар: "Деди-дедини чиройлик қилиб, ишни ҳунук қиладилар. Ва Аллоҳнинг китобига чақирадилар ва лекин китобдан бирон нарсада йўқлар".

Хутбаларини эшитинглар, Аднонийнинг охирги хутбасидаги хитобини эшитинг: Эй Америка! Сенга келиб қолдик ... ва казо-казо гаплари ...: Сабр қил Америка! Кутгил Америка! ... Сўнгра ерга бир боқсангиз, Мореъни портлатган, Машоте мадрасасини порталатган, қотиллик ва портлатишларини кўрасиз ...! Хитоби нимамиш: эй Америка ..., Эй Русслар ..., Эй Эрон ...!
Сиз кейин нима деб ўйлайсиз: Аллоҳу Акбар!!! Нью Йўрк, Вашингтон фатҳ бўлади ..!!!

Қарасангиз: улар Машот мадрасаларини Мореъда уриб портлатаётган.

Бугун Ҳамотга кўчиб ўтамиз. Аллоҳдан ўзга илоҳ бўлмаган Зотга қасамки: у ерни улар билан ўртамизда ташлаб қўйдик. Тарихга шуни битиб сақлаб қўйинглар. Бугун Муҳаррам ойининг тўққизинчи куни. Юриш бошланмади ёки уни бошидаёқ улар билан ўртамизда то (Асад) низоми-режимидаги ерларни, улар билан тўқнаш келмаслик учун ташлаб қўйдик, бостириб кирмадик у ерга. Ҳатто Ҳамот ва Дамашқни қўлга киритишимиз учун.

Кўрасизлар йўлни кесиш учун бостирадилар (агар Аллоҳ таоло уларни дафъ қилмаса албатта). Чунончи сўзларини чиройлик қилиб, ишларини ҳунук қиладида. Набий алайҳиссалом айтадилар: "охир замонда қавмлар келади, ҳақдан гапиришади-ю ҳалқумидан ўтмайди". Яъни: қуруқ гап.

Йигирма иккинчи сифат: Хаворижларнинг сифатларидан: маслаҳат-манфаъат учун ўлдиради. Фалончини фойда эвазига ўлдиради. Ҳатто бирон кофир кетаётса, (ўзлари бир_бирларига) айтади: эй биродар уни фойда учун ўлдириб қўйгин, ўлдир уни бирон ишкаллик йўқ, дейди. Қатарлик Ибн Фужоа айтади: одамларни салоҳияти учун ўлдиришлик, инкорсиз ишдир.

Йигирма учинчи сифат: Хаворижларнинг сифатидан: кимдан бўлмасин ҳақни олмайди ва насиҳат ҳам қабул қилмаслар. Инб Касир раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Одамлардан бўлган бу "Тош Деворлар", баний Одамнинг энг ғариб шакилларидан. Пок Зотнинг бу махлуқотларидан ажибки, Ўзи хоҳлаб ва бу ўтмишда буюк қадарида ўткан (албатта). Баъзи салафлар Хаворижлар ҳақида айтади: Улар Аллоҳнинг ушбу сўзида зикр қилинганларнинг ўзларидир: **"**(Эй Муҳаммад алайҳиссалоам) **айтинг: амалда роса зарар кўрганларнинг хабарини берайликми?** (яъни энг катта зарар кўрувчи). **Дунё ҳаётида уларнинг ҳаракати адашган ва улар қилиқларини албатта ўзлари яхши қилябмиз деб ҳисоблайдилар".** (Каҳф: 103). Бу сўзларни у киши "Бидоя ва Ниҳоя"да айтганлар.

Йигирма тўртинчи сифат: Хаворижларнинг сифатларидан: бузуқ тақводорлик бор. Баъзи ўринларда тақводорлигини кўрсангиз ва яна бошқа улуғ ишларда бузуқчилик қиладилар. Аввалги Хаворижларга бир боқинг, Қайс ибн Имод айтади: (Хаворижлар) ўз қишлоғида фитнадан четланиб, сақланиб ўтирган Абдуллоҳ ибн Хаббоб розиаллоҳу анҳунинг олдига бориб, у кишини ушадилар. У киши айтади:
- Улар дарахт тепасидан бир тўкилган хурмони кўришди, уни улардан бир киши олиб оғзига солиб олди. Кейин улар у кишига: аҳдлашган зиммийнинг хурмосидан ҳаққини тўламасдан (изинсиз) олдинг, дедилар. У киши хурмони (оғзидан) чиқариб ташлади.
- Тақводорликни қаранг!!!

- (Абдуллоҳ ибн Хаббоб раҳимаҳуллоҳ) давом этиб айтадилар: кейин йўлда бир чўчқани ўлдиришди. (Уни ҳам) эгасининг олдига бориб Насоролардан экан, қанча турса шунча қийматини тўлаб бердилар (зиммий бўлгани учун).
- Шунда уларга Абдуллоҳ ибн Хаббоб розиаллоҳу анҳу айтди: сизларга хурмо ҳаққидан каттароқ, чўчқа ҳаққидан улуғроқ ишнинг хабарини берайми, деди.
- У киши розиаллоҳу анҳу уларга кишанланган ҳолида гапирмоқда эди: мен Аллоҳга қасамки, балоғатга етганимдан бери бирон намозни тарк қилмадим, рўзани ҳам, Рамазонни ҳам, деб ва бошқа нарсаларни санадилар ...
- Улар эса, бир жойларга олиб бориб: у киши розиаллоҳу анҳуни қатл қилишди.

Бугун ўқиб қолдим, аниқроғи бир неча кун илгари: (Давладагилар) Ҳаж кунларга баёнат чиқаришибди. Манабу бузуқ тақвогарчиликни эшитинг: Йидул Азҳода қурбонлик қилинаётган жониворни бошқа жонивор сўйилаётганини кўрмасин, дейилибди. Бу суннатдан. Яъни: қассоб киши жониворни сўяётиб бошқа жониворга (қўй, мол ва ҳаказога) кўрсатмаслик, дейилмоқда. Бу суннатга мухолиф албатта. Лекин минг афсуски: бир мужоҳид, мусулмонни олиб келиб барча оламга кўрсатиб қатл қилдилар, (бўғизлаб, сўйиб) юбордилар-ку!! Мусулмон ёки зиммийнинг (ҳаққи борасида) тақво, зоҳидлик қилмайдилар. Демак бузуқ зоҳидлик, уларда борми ёки йўқми?! Бор.

Кейин: хусуматда фожирликка ва раҳматдан энг узоқ бўлган сифатга ўтамиз ...:

Йигирма бешинчи сифат: Хавoрижларнинг сифатидан: неча замонлардан бери, улар хусумат вақтида фожирлик қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, Абу Ҳурайра розиаллоҳу анҳу айтган Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда келади: "Мунофиқнинг аломати учта" ... уларни санаб, шулардан: "агар хусумат қилса фожирлик қилади" деганлар. Хавoрижларнинг баъзи китобларида, мисол: "Кашфул ғимма (ёки ғомма)". Бу китобда, Усмон розиаллоҳу анҳуни васфлаб: Дажжолдан ашаддийроқ фитна қилганмиш! Усмон розиаллоҳу анҳу ҳақларида: Дажжолдан ашаддийроқ фитначи, демоқдалар.

Улар мўминлар амири Усмон розиаллоҳу анҳуга шундай демоқда.

Бугун уларга бир қаранг! Шунчаки улардан бўлган бирон толиби илм ёки шайхларидан бири билан тортишиб қўйсангиз: бу: фалончининг ёлланмаси, жосус, истихборатчи, фасодчи, бузғинчи, муртад ва ҳаказо ..., барча ҳукмларни бераверади. СУБҲАН АЛЛОҲ!!! Аллоҳга қасам, ажабланаман! Эй биродарлар, мужоҳидни (саҳавуат) бузғунчи-фитначи демоқда. Ахир биз, ким бузғунчилигини яхши биламиз. Бузғунчиларни Америка мужоҳидларнинг орасига ташлайди, уларнинг ўртасида уриш бошлаш учун. Мужоҳид қандай қилиб Америка бузғинчиларидан бўлсин?! Бу ерга келиб, мужоҳидларни ўлдиради. Русс келса ҳам мужоҳидларни ўлдиради, Эрон келса яна мужоҳидларни ўлдиради. Бу қандай тўғри келади, уларнинг баъзи аҳмоқлиги ва улардаги мағрурликни кузатябсизлармиʔ! Шунингдек улар бошқалардан кўра раҳматдан энг узоқ одамлар.

Бу ўттизга яқин бўлган ёки йигирма бешта улардаги сифатлар, (охиригача) санамадим. Яна ҳам кўп сифатларини санамадим.

Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Аллоҳ номи билан сўрайман, ушбу мен зикр қилган ва уламолар айтиб ўткан сифатлар "Давла жамоати"да татбиқ қилинмоқдами, бўлиб келмоқдами ёки йўқми? Уларни бу ерда сизлар кўриб, билиб турибсизлар ..., шунинг учун биродарлар ушбу чиқишликни узоқ вақтдан буён тўплаб келдим ва мен буни, уларнинг охирги хутбаларини кўриб, эшитиб, улар бизларнинг маракаларимизни бузишларини билиб ва бошқа ишларини кўриб, бугун айтмоқчи бўлгандим. Буни ўз зиммамдан кўтариш учун айтдим, шоядки Аллоҳ таоло билан учрашган куним, зиммамдан халос қилинса ..., Аллоҳ хузурига бориш учун ..., барча Шом аҳлидан ҳам, бутун ер аҳлидан ҳам.

- Биродарлар (хутбани), баъзи одамларнинг: нимага уларга кўпчилик алданиб қолди? деган сўзи билан хотима қиламиз.
- Салафлардан бири айтгани каби айтаманки: ким Аллоҳнинг динида бизни алдаса, биз алданамиз. Одамлар, қачонки "Хилофтани" эшитганларида, "Исломни" эшитганларида алданиб қоладида.
Ва: Биз, Аллоҳга қасам, фақат Аллоҳ йўлида, фақат Ла илаҳа илла Аллоҳ учун қон тўкамиз, уришамиз. Ҳайюл Қойюм бўлган

Аллоҳ номи билан, улуғ исмлари билан сўраймиз: агар Ла илаҳа илла Аллоҳдан бошқа нарса учун урушган бўлсак, Шом ерларида бизга бир қарич жой имкони бўлмасин (яни бу ердан чиқиб йўқ бўлиб кетайлик).

Лекин одамларга бу иш билан ғурурланиб, ёки баъзилари: уларда муҳожирлар бор, солиҳлар бор ёки бошқалар бор ва ҳаказо ..., дейдилар.

Уларга айтамизки: асл Хаворижлар ҳам, Қуръон ўқувчи, илм талаб қилувчи одамлар бўлган. Бироқ Набий алайҳиссалом Хаворижларни итлиги учун: "Дўзаҳ итлари" деб номладилар. Мусулмонларни ўлдиришга шошганлари учун. Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраймиз.

Эҳтимол баъзилар, жамоатлардаги хатоларни кўриб, уларга хатолик қилиб, билмасдан алданиб қолгандир. Биз албатта, жамоатларни маъсум демаймиз (яъни хатосиз, фариштaлар демаймиз). Жамоатларда ҳам кўп хатолар бор. Аммо мусулмонни ноҳақ қонини оққизиш, қатл қилиш масаласи, Аллоҳнинг динида энг катта, оғир масалалардан. Шунга кўра Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам Усома розиаллоҳу анҳуга бир мусулмон кишини ўлдириб қўйганларида, айтадилар: "Қиёмат куни Ла илаҳа илла Аллоҳ билан келса нима қиласан?" дедилар.
Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Аллоҳга бир мусулмон кишини ноҳақ ўлдирилишидан кўра, дунёнинг завол бўлиши енгилроқ (яъни қотилликнинг гуноҳи)".
Шунга биноан, уларга боғланганларга ёки уларга ёрдам бераётганларга ёки уларга қалбида дўстлик бўлган одамларга айтамизки: Аллоҳга қасам, сиз билан Аллоҳнинг хузурида хусумат қиламиз ва сиз уларга Аллоҳ таолонинг хузурида (гуноҳига) шериксиз.
Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтади: "Кимки бир мусулмоннинг қатлига яримта сўз билан ёрдам берса, Аллоҳга икки кўзи ўртасида (пешонасида) Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум деган ёзув билан рўбаро бўлади". Аллоҳ таолодан саломатлик ва офият сўраймиз.

Хотима қилиб айтаман: бу айтганларимиз, яъни уларнинг ичида ростгўйлар йўқ ёки бошқа яхшилари йўқ ва ҳаказо йўқ дегани

эмас. Ва бунда уларнинг барчасини бир-бирма Хорижийлар деб мутлоқ айтмаймиз. Лекин биз ушбу Хилофат ҳақида уни ботил, хорижий эканлиги ҳақида айтиб ўтдик. Хаворижларниг барча сифатларида кўриндилар. Барчасида бўлмаса ҳам, жуда кўпини содир этишди. Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраймиз.

Мана шу ерда мақоламиз ниҳоясига етди. "Давла"даги йигитларга ва уларга боғлиғи бор ёки алданиб уларга эргашганларнинг барчаларига юзланиб мурожаат қиламан: ушбу сифатларни эшитдингизми? Унда аҳли илмларниг сўзларини ўқинг, қиёмат куни нажот топаман деб ўйламанг. Кейин: алданибман, деб аттанг қилманг. Мен: Аллоҳга қасам, сизга раҳмим келиб айтмоқдаман. Аллоҳнинг хузурига бориб: эй Аллоҳ! Уларнинг сўзлари, эълонлари мени алдаб қўйди, демангиз. Кейин Аллоҳ таоло сизга: **"Агар билмасангизлар, бас, зикр аҳлидан сўрангизлар"** сўзимни ўқимадингми (Наҳл: 43) демасин тағин. Шунда Аллоҳга нима дейсизлар эй "Давла" лашкарлари?! Аллоҳга қасам, мен сизларга раҳмим келиб айтмоқдаман, Қиёматда Аллоҳнинг хузурида туришингизга ачинябман. Кофирни ўлдирдим, мен мужоҳидман, деб ўйлайсиз, кейин Аллоҳнинг хузурига: биз ёд олган Қуроънни кўтариб борамиз, Ла илаҳа илла Аллоҳни кўтариб борамиз, қалбимиздаги Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг суннатларини кўтариб борамиз-да, кейин сизлар билан Аллоҳ таоло хузурида ҳужжатлашамиз. Эй "Давла" лашкарлари! Биз сизларга ачиниб Аллоҳ таоло хузурига қандай бўришингиз ҳақида ўйлаб қўрқмоқдаман. Минглаб Аллоҳ йўлидаги мужоҳидларнинг хусумати, уларнинг ноҳақ тўкилган қонлари ва ноҳақ такфирлари-чи?! Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраймиз.

Аммо баъзи тушунмаганларга сўзимиз етарли бўлмаган бўлса, айтамизки: тушунмай, етмай қолавер. Ўша ерда Хилофатлар ва икки тарафдан жанглар бўлди.
Айтаман: бугун "Давла"дан сўраб кўр. Хозир, айни пайтда: эски ўткан гапларни ташлаб, мусулмонларни қатл қилишдан тўхташликни сўраб кўрчи, рози бўлармикин?!!! (Ноҳақ қотилликдан) танаффус қилишгачи? Сулҳга розими? Сизга: бу ишлар амри маҳол, дейди.
- Сабаб: чунки улар бизларни муртад деб билади ва муртад билан келишувни ҳам, ҳаром деб биладилар.

Улар на ислоҳ қилишни билсин ва на (бузғинчиликдан) тўхташи мумкин, магар Аллоҳ таоло Ўз хузуридан раҳмат қилиб бандаларини раҳм қилса албатта.

Ҳайюл Қойюм Аллоҳдан, оламлар Роббисидан Ўз хузурида қиёмат куни кечирилган бўлишимизни сўрайман. Ва барча Набий алайҳиссаломнинг: "Хаворижлар дўзаҳ итлари", "Аллоҳ хузурида энг ёмон махлуқлар" деган сўзларини эшитганларга (мазкур сифатлардан кўра) кифоялироқ. Ҳақдан кейин фақат залолат бўлади.
Эй Аллоҳ, Эй Тирик Зот, Эй Қоййюм Зот, Сенинг улуғ исмларинг билан сўраймиз: улардаги содиқларни ғурурлантириб ташлаб қўймагин, фақат ҳидоят қилгин уларни, Эй Қоййюм! Уларга (одамларни) хавориж қилиб ташлаб қўймагин, уммат улардан интиқом олмасин, мусулмонларнинг зайфлари интиқом олмасин улардан, Эй Тирик Зот. Я Зал Жалали вал Икром. Эй Тирик Зот, Эй Қоййюм Зот, биз Сендан сўрадик, Ўзинг бизларга ижобат қилгин, Эй Аллоҳ!

Хотиб ва жамъловчи: Доктор Абдуллоҳ Муҳайсиний. Шом Ҳалаб 00/00/2015
Таржимон: